Gazeta
1991-yil
21-martdan
chiqa boshlagan

# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 7-yanvar, seshanba № 3 (3352)

## 14 январ — Ватан ҳимоячилари куни

*Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 20 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ёшларни ҳарбий хизматга саралаш жараёни бошланди. Ҳарбий хизматга отланган йигитлар тиббий кўрик ва синовлардан ўтмоқда.*

# Армиямиз — тинчлик ва тараққиётимиз посбони

Миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш — шарафли иш. Аскарлик — баркамоллик белгиси. Бундай бахт ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Фақат жисмоний машқларда чиниққан, маънавий ва интеллектуал жиҳатдан камолга етган йигитларгина ҳарбий форма кия олади.

Собиқ тузум даврида юртимиз ўғлонлари ўз тупроғи қолиб, узоқ ўлкаларда хизмат қилар эди. Бу турли миллатга мансуб йигитларни жипслаштиради, деб оламга жар солинса-да, аслида ҳаётда мутлақо акси эди. Масалан, Марказий Осиёдан борган аскарлар асосан қурилиш батальонларига, оғир ишларга жалб этилар, уларга беписанд назар билан, «иккинчи сорт одамлар» сифатида қаралар эди.

Ҳарбий хизматдаги носоғлом муҳит оқибатида қанча йигитлар жувонмарг кетгани ёки уйига майиб-мажруҳ бўлиб қайтганини кўпчилик изтироб билан эслайди. Биргина 1989 йилнинг ўзида, тинчлик даврида, 430 нафар ўзбекистонлик аскарнинг нобуд бўлгани бунинг далилидир. Ўша пайтларда ота-оналар фарзандларини армиядан олиб қолишга ҳаракат қилгани, жўнатса ҳам, йиғи-сиғи, хавотир билан кузатгани бежиз эмас эди.

Мустақиллик шарофати билан халқимиз тинчлик-хотиржамликка, рўшноликка эришди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий армиямиз ташкил этилиб, ғам-андуҳлар, ҳадик ва хавотирлар арийди. Энди Ўзбекистон ўғлонлари ўз юртида, ўз юртига, ўз халқига, ўз Президентига садоқат билан хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари мамлакатимиз сарҳадлари ва халқимиз осойишталиги ҳимоясида собит. Ҳарбий қисм ва бўлинмаларда соғлом маънавий-руҳий муҳит, юксак маданият қарор топган. Миллий армиямиз сафида хизмат қилаётган йигитлар жисмонан соғлом ва бақувват, юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлиб етишмоқда. Шу боис ёшларимиз орасида армияда хизмат қилишга қизиқиш ва интилиш тобора кучайиб бораётир.

Давлатимиз мустақилликнинг илк йилларидан тинчликпарвар сиёсат юритиб келаётир. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Мудофаа тўғрисида»ги, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги, «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ва бошқа қатор қонунлар мамлакатимизда барқарорликни таъминлашнинг, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик, ҳамжиҳатликнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонун бу борадаги яна бир муҳим ҳужжат бўлди. Ушбу Қонунда давлатимиз ташқи сиёсатининг асослари, стратегик устувор йўналишлари, халқаро майдондаги мақсад ва вазифалари билан бирга миллий хавфсизликни таъминлаш, юртимиздаги тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш принциплари ҳам ўз ифодасини топган.

Мамлакатимиз ташқи сиёсати миллий манфаатларнинг устуворлиги, халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя этиш, баҳсли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш тамойилларига асосланади.

Концепцияда алоҳида таъкидланганидек, мамлакатимиз Қуролли Кучларини шакллантиришдан кўзланган бирдан-бир мақсад — давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинчлиги ва хавфсизлигини мудофаа қилишдан иборат.

Ўзбекистон тинчликсевар сиёсат юритади ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди, ҳар қандай давлатлараро тузилмалар ҳарбий-сиёсий блокка айланган тақдирда, улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Ўзбекистон ўзининг қўшни давлатлардаги қуролли можароларга ва қарама-қаршиликларга тортилишининг олдини олиш учун тегишли чора-тадбирларни кўради. Ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди.

Сир эмаски, бугунги кунда йирик давлатлар ўртасида геосиёсий рақобат тобора кучайиб бормоқда. Турли ҳарбий-сиёсий бирлашмалар тузилиб, бошқаларни таъқиб остига олишга уринишлар сезилмоқда.

Ўзбекистон аскари давлатимиз чегарасидан бир қадам ҳам ташқарига чиқмайди. Фақат ўз Ватани, ўз халқи тинчлиги ва дахлсизлигини ҳимоя қилади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда қўлга киритилган ютуқ ва марраларнинг асоси, энг катта бойлигимиз — юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик, миллатлараро тотувликдир. Бу бойликни асраб-авайлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, юртимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашда миллий армиямизнинг алоҳида ўрни бор.

Шу боис жамоатчилигимиз ҳарбийларни тинчлик-осойишталик посбонлари сифатида эъзозлайди. 14 январ — Ватан ҳимоячилари кунини бутун халқимиз байрам қилади.

Ватан фақат жанг майдонида ҳимоя қилинмайди. Ўз ишини фидойилик билан бажариб, мамлакатимиз равнақига фаол ҳисса қўшиш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик-осойишталикни асраб-авайлаш ҳам элу юртни мудофаа қилишдир.

Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик таъминланиб, барча соҳаларда улкан юксалишга эришилаётган экан, бу бутун халқимизнинг ютуғидир. Бу бизни ягона мақсадга — юртимиздаги тинчлик-осойишталикни қадрлаб, халқимиз танлаган мустақил тараққиёт йўлини изчил давом эттиришга ундайди.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**



*Оила мустаҳкамлиги ва тинчлиги ҳар қандай ишнинг муваффақиятли ва самарали бўлишида муҳим омил саналади. Ҳарбийлар фаолиятида ҳам бу жиҳат катта аҳамият касб этади. Алексей ва Лилия Гриневичларнинг ибратли оиласига кўпчилик ҳавас қилади. 2004 йилдан буён Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларида шартнома асосида хизмат қилаётган бу ёшларнинг ўзаро ишонч ва меҳр-муҳаббатга қурилган оиласида икки нафар фарзанд камолга етмоқда.*

Улар хизмат қилаётган ҳарбий қисмда чегарачиларнинг ўқиб-изланиши, касб маҳорати ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлигини ошириши учун барча қулайликлар яратилган. Замонавий ўқув қўлланмалари, кўргазмали қуроллар, компютер ускуналаридан кенг фойдаланиш имконияти мавжуд.

— Ватан ҳимояси энг шарафли, энг юксак бурч, — дейди майор Алексей Гриневич. — Шарафли ва масъулиятли касбни танлаганимдан фахрланаман. Яқинларим, дўст-биродарлар ва ёшлар билан учрашганда, уларнинг менга ҳавас билан боқаётганини ҳис қиламан. Ҳар гал келажакда ҳарбий бўлиш орзуси билан вояга етаётган ёшларнинг саволларига жавоб берар эканман, давлатимиз раҳбари, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов томонидан соҳага кўрсатилаётган ғамхўрлик ва юксак эътибордан, Ватан ҳимояси юртимизда том маънода шон-шараф ишига айланиб, ёшларимизда ҳарбийликка катта қизиқиш борлигидан чексиз қувонаман.

Ҳа, Ватанга содиқ, мард ва жасур ҳарбийларини улуғлаган, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган мамлакатнинг осмони тинч, ҳаёти осойишта, оилалари мустаҳкам ва турмуши фаровон бўлади.

***Суратда:** Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшини ҳарбий хизматчиси майор Алексей Гриневич ва рафиқаси сержант Лилия Гриневич фарзандлари Артур билан.*

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА)**
**олган сурат**

### Бандлик

## МАНҒИТДА МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

*Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.*

Бандлик дастури асосида туманда 5 минг 259 янги иш ўрни яратилиб, касб-ҳунар коллежларининг икки минг уч юздан ортиқ битирувчиси доимий иш билан таъминланди.

Манғит маиший хизмат касб-ҳунар коллежида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида йигирмадан ортиқ корхона, ташкилот ва фермер хўжаликлари икки юзга яқин иш ўринлари таклиф этди. Олтмиш нафардан зиёд фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

## Кучли фуқаролик жамияти сари

*Қашқадарё вилоятида 103 маҳалла (қишлоқ) фуқаролар йиғинига 124 компютер жамланмалари топширилди.*
*«Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармасининг вилоят бўлимлари ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида жамиятимиз ҳаётида маҳалланинг ролини кучайтиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ўз самарасини бераётгани таъкидланди.*

# Маҳаллага компютер

— Маҳаллаларнинг компютер жамланмалари билан таъминланиши уларнинг иш самарадорлигини оширишга хизмат қилади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси М.Туропов. — Президентимизнинг 2012 йил 21 мартдаги «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш, тизимлаштириш ва сақлаш имкони янада кенгайди. Айниқса, маълумот алмашинуви борасида вақт ҳам, маблағ ҳам тежаладиган бўлди.

## Янгиликлар оқимидан

### БУХОРО

*Жондор тумани тиббиёт бирлашмасининг терапия ва юқумли касалликлар бўлимларининг янги бинолари фойдаланишга топширилди.*

## ҒАМХЎРЛИКНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳоли саломатлигини, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Лойиҳа қиймати 2 миллиард 437 миллион сўм бўлган ушбу биноларнинг қуриб, фойдаланишга топширилиши ҳам ана шу эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир.

— Бу ерда беморларга намунали тиббий хизмат кўрсатиш, аниқ ташхис қўйиш ва даволаш самарадорлигини ошириш учун барча шароит ва қулайликлар яратилган, — дейди Жондор тумани тиббиёт бирлашмаси раҳбари Яшар Олимов. — Айни пайтда «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида даволаш муассасаларига қўшимча равишда замонавий жиҳоз ва ускуналар келтирилмоқда.

### ХОРАЗМ

*Вилоятда «Камолот»дан янги йил» лойиҳаси доирасида ўтказилган навбатдаги хайрия акцияси ана шундай номланди.*

## МЕҲРДАН ЁРИШАР ДИЛЛАР

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари иштирокида ташкил этилган хайрия тадбири кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари, «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари, имконияти чекланган ёшларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга янги йил кайфиятини улашишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Акция давомида талабаларнинг ўзи ишлаган буюмлар, кўнгилли ёшлардан ихтиёрий равишда тақдим этилган икки юздан ортиқ совғалар болажонларга топширилди. Шунингдек, акция доирасида талабалар Урганч шаҳридаги болалар шифохонасида даволанаётган болажонлар учун байрам тадбири ташкил этди.

**ЎзА**

### ҚАШҚАДАРЁ

*Президентимизнинг «2013-2016 йилларда Қашқадарё вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори асосида Китоб туманида ўнлаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.*

## КОНСЕРВАЛАР ЭКСПОРТГА

«Боғдан-цехга, цехдан-экспортга» шиори асосида 1 миллион АҚШ доллари миқдорида мева-сабзавот маҳсулотлари, турли-туман сифатли қадоқланган консервалар хорижга жўнатилди. Чет эллик истеъмолчилар «Nihol meva sharbati» агрофирмаси консерваларини бажонидил сотиб олмоқдалар.

«Alsma Saltan» масъулияти чекланган жамиятининг қуритилган мевалари, «Viget impeks» фермер хўжалигининг пластмасса корзиналарга жойланган мева-сабзавотлари ҳам хорижликлар бозорини обод қилмоқда.

Бундан ташқари, китоблик тадбиркорларнинг мармар микрокольцит ва бошқа қурилиш материаллари, айниқса «AIST MARMAR» хусусий фирмасида тайёрланган шпатлёвка ва турли бўёқлар катта қизиқиш уйғотмоқда.

**Иззат ҲИКМАТОВ**

# Эзгулик боғи

## ёхуд касаба уюшмасидан саодат топганлар

### Ровийлар дейдики...

Асалга ҳаддан ортиқ ружу қўйган фарзандининг саломатлигидан ташвишланган ота бир неча табиб ҳузурига борибди. Аммо шифо аҳли болани тинимсиз асал ейишдан тўхтата олмабди.

Умидсизликка тушган отага бир донишманд ҳақида дарак беришибди. У боласини етаклаганча, нуроний ҳузурига йўл олибди. Бироқ донишманд қирқ кундан сўнг бу муаммога ечим топишини айтиб, уларни ортга қайтарибди. Йиллардек туюлган қирқ кеча-кундуз ўтиб, яна табиб ҳузурига отланишибди. Унинг давоси бор-йўғи: «Асални кўп еманг, ўғлим, ҳаддан ошган ҳар нарса зарарлидир», деган сўзлар бўлибди. Мўъжизани қарангки, бол деса ўзини томдан ташлагудек даражага етган болакай шундан сўнг меъёрни ўзига дўст билибди.

Шифо сирини англолмаган ота яна донишмандга юзланибди. Шунда у: «Дастлаб келган кунингиз нонуштада ўзим ҳам асал еган эдим. Фарзандингизни даволаш учун бу неъматдан қирқ кун парҳез сақладим. Шунинг учун ҳам сўзларимга Яратган қудрат индирди. Оғзимдан асал ҳиди кела туриб, унга кўп ейишнинг зарарлари ҳақида гапирсам, бу мунофиқлик бўларди. Фарзандингиз дардига мен эмас, ҳақиқат кучи шифо берди», деган экан.

Мазкур ривоят замирида бир олам ҳикмат бор. Зеро, даъватчи ўз айтмишларига, аввало, ўзини ишонтириши керак. Бугун сўз юритаётганимиз — кўпларнинг ҳавасини келтирувчи аҳил ва ибратли оилабошилар — Ёқутхон опа ҳамда Козимжон ака ҳам ўзларида айни шу гўзал хислатни мужассам этишган.

— Бирор ташаббус билан чиқишдан олдин ўша ишни ўзингиз амалда синаб кўришингиз шарт. Шунда ҳодиса моҳиятига тўлиқроқ етиб борасиз ҳамда одамларнинг сизга ишончи ортади, — дейди Ёқутхон опа.

Опанинг айтаётганлари шунчаки тасдиқнамо гаплар эмас, балки умри давомида англаган ҳақиқатлари, амал қилаётган ақидалари ифодасидир. Сўзига содиқлиги сабаб кўпчиликнинг яқинига, ҳамдардига айланган опанинг охирги йигирма йиллик ҳаёти касаба уюшмаси билан чамбарчас боғланди. Самимийлик, ёрдамга муҳтожларга қўл узатишни бурчи деб билган бу аёл худди етакчи бўлиш учун туғилгандек. Унинг тонги ташкилот ташвишлари билан отиб, кунлари аъзолари ўйи билан узаяди. Ҳатто оила дастурхонида ҳам мавзу шу атрофда айланаверади. Бу бежиз эмас, албатта. Турмуш ўртоғи Козимжон ака ҳам касаба уюшма фидойиси. Уларни том маънода «касаба уюшмасидан саодат топганлар оиласи» дейиш мумкин.

### Яхшилик қил жаҳонда

Козимжон ака ва Ёқутхон опани таниганимга кўп бўлгани йўқ. Аммо улардаги самимият, ҳокисорлик сабабми, минг йиллик қадрдондек сезаман ўзимни. Бу икки инсон матонат ва адолатнинг жонли тимсолидек, назаримда. Ҳар иккови ҳам турли лавозимларда ишлаб, Тўрақўрғон туманининг гуллаб-яшнаши учун ҳисса қўшишди. Ўқитувчиликдан ҳокимият тизимигача, ундан сўнг касаба уюшмасининг синовга бой йўлларини елкама-елка туриб босиб ўтишмоқда. Козимжон Мирзааҳмедов Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси сифатида кўплаб эзгу ишларга бош-қош бўлаётир. Ёқутхон Ҳамидова эса Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси сифатида узоқ йиллар сидқидилдан меҳнат қилди. Айни дамда халқ учун қилган меҳнатлари роҳатини кўраётир.

Уларга ўхшашга ҳаракат қилганлар, уларнинг изидан юришга интилганлар кўп бўлди. Оиласини ҳам, ишини ҳам ҳавасга арзигулик жиҳатлар билан бойитган ҳар икки фидойини тўрақўрғонликлар ўзгача ҳурмат билан тилга олишади.

Опа билан танишувимиз ҳам ўзига хос кечган. Таҳририятимизга Тўрақўрғон туманида яшовчи бир фуқародан шикоят хати келган эди. Хатда таъкидланишича, салкам бир йилдан бери аризачига маош тўланмай келинаётган экан. Иш берувчи ишга чиқмаётган ходимга умуман пул бермаслигини айтиб, икки оёғини бир этикка тиқиб олган. Оиласи ночор аҳволдаги аризачи (унинг рафиқаси кўкрак бези саратонидан 8 йил даволаниб, яқиндагина вафот этган, қарамоғида 3 нафар вояга етмаган фарзанди қолганди) ишга чиқмаётгани сабабини соғлигига номуносиб ишга ўтказишгани билан боғларди. Муаммоли бу корхона бутунлай бошқа тармоқ касаба уюшмасига аъзо эканлиги маълум бўлгач ҳам, Ёқутхон опа «Биздан шу йигитга ёрдам бўлсин», дея ишга киришди. Иш берувчини ҳузурига чақиртириб, вазиятни аввало, инсонийлик, сўнгра қонунийлик тарафидан туриб баҳолаш лозимлигини тушунтириб, шундай гапирдики (ўша суҳбатни эсласам, ҳозир ҳам опанинг сўзларидан этим жимирлаб кетади), иш берувчи «енгилди». «Узр, хомлик қилибмиз, биздан хатолик ўтибди. Ҳозироқ ҳаммасини ҳал қиламиз, опа», дея камчилигини тан олди. Кейин эшитсам, маош, шунга қўшимча бир рўзғорга етгулик бозорлик билан иш берувчи аризачининг уйига борибди. Тушунмовчилик бартараф этилиб, икки тараф ҳам опадан миннатдор бўлишди. Опанинг адолатпарварлиги, савобталаблиги кўпчиликка маълум бўлганидан сўзини икки қилишмас, шунинг учунми, у қўл урган яхши ишлар кўп эканлигининг шоҳиди бўлган эдик ўшанда.

*(Давоми 2-саҳифада).*

Ishonch
2014-yil 7-yanvar № 3 (3352)

## ■ Касаба уюшма ҳаёти

# Ободликни кўзлаб

***Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Давлат дастурларида белгиланган тадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этиб келмоқда. Жумладан, ўтган йили корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномалари ва келишувлар орқали фуқаролар ва уларнинг оилаларига ижтимоий кўмак берилди. Муносабатлар намунали йўлга қўйилганлиги боис сарф-харажатлар асосан иш берувчилар маблағи ҳисобидан амалга оширилди.***

1070 та корхонада 1439 та кам таъминланган оила вакилларига моддий ёрдам кўрсатилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар сотиб олиши, шунингдек, уй-жой қуриши учун 12 та корхонада 52 та оилага уй-жой қурилиши учун фоизсиз ссуда берилди.

Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 25 нафар талабанинг шартнома пулларининг бир қисмини тўлаб беришни 25 та корхона ўз зиммасига олди. 455 та корхонада боқувчисини йўқотган оилаларнинг 489 нафар фарзанди учун дарсликлар ижараси, ўқув қуроллари харид қилиш учун харажатлар қисман қопланди.

Шунингдек, 169 та корхонада 202 нафар ёш онага моддий ёрдам кўрсатилиб, 75 та корхонада 109 нафар аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда ҳафтасига 35 соатлик иш тартиби белгиланди.

«Ўзбекистон ижтимоий масъул фуқаролар Форуми» ҳудудий ахборот марказлари қошидаги «Юридик маслаҳатхоналар» томонидан бугунги кунгача кам таъминланган оилалар ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 530 та юридик маслаҳатлар берилиб, 356 та бизнес лойиҳага консултатив, ҳуқуқий ва ташкилий кўмаклашилди.

«Ҳар бир инсон меҳр-эътибор оғушида» мавзуидаги чора-тадбирлар мажмуи доирасида 40 нафар ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронлар ҳолидан хабар олинди. Жумладан, 1 нафар пенсионер санаторийга йўлланма билан таъминланди ҳамда 3 нафар ногиронга аравача олиб берилди.

Касаба уюшма сиҳатгоҳларида 24 нафар фермер ҳамда 7 нафар кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаси вакили соғломлаштирилди, кам таъминланган оилаларга мансуб 7 нафар аёл ва 4 нафар тиббиёт ходими бепул даволанди.

Мирзаобод, Сардоба, Гулистон туманлари ва Ширин, Гулистон шаҳарларидан 8 та ёш оила имтиёзли соғломлаштирилди.

Ёз мавсумида 19 та (6 таси стационар) оромгоҳ фаолият кўрсатган бўлиб, уларда 4503 нафар бола дам олдирилди. Уларнинг 800 нафари камхарж оилалар болалари, 100 нафари «Болалар шаҳарчаси» тарбияланувчилари. Шунингдек, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларнинг 2260 нафар фарзандига шундай имконият яратиб берилди.

Кам таъминланган оилалар ва аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари вакилларининг маданий ҳордиқ чиқариши, қолаверса, туризмни ривожлантириш дастури доирасида тарихий шаҳарларга жамоавий саёҳатлари уюштирилди. Хива, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз каби шаҳарларга 3354 нафар кам таъминланган оила вакили саёҳатга олиб борилди.

Турли байрамлар муносабати билан эҳтиёжманд кишиларга 820,3 млн. сўмлик манзилли кўмак берилди.

Дастур бандларида кўрсатилган тадбирларни амалга оширишда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан тегишли ҳамкор ташкилотларга яқиндан кўмак бериб келинмоқда ва тадбирларда бирлашманинг фаол иштироки таъминланмоқда.

Ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида Савдо-саноат палатасининг вилоят бошқармаси билан биргаликда 11 та туман, шаҳарда семинар-тренинг ҳамда давра суҳбатлари ўтказилди.

Соғлом бола йилида белгиланган режалар янада кенг кўламли бўлиб, уни амалга ошириш янада ташаббус кўрсатиб фаолият кўрсатишни тақозо этади.

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

## ■ Меҳнат муҳофазаси

***Дилдора Бобоқуловани Бухоро-1 бекати 17-сон темир йўл қурилиши машиналари станциясида ўз касбининг етук мутахассиси, тиниб-тинчимас ходим сифатида ҳамма ҳурмат қилади. Самарқанд темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи ва Навоий кончилик институтини тамомлаган Д.Бобоқулова 2005 йилдан буён 600 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандис вазифасида ишлаб келаяпти. Ўтган 4 йил мобайнида жамоада бахтсиз ҳодисалар содир бўлмади. Буни ёш мутахассис фаолиятидаги энг катта ютуқлардан бири, деб баҳолаш мумкин.***



# «Пўлат из» фидойилари

«Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона» республика кўрик-танлови якунларига мувофиқ Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси тармоғи бўйича Бухоро-1 бекати 17-сон темир йўл қурилиши машиналари станцияси биринчи ўринга лойиқ, деб топилди.

Албатта, бундай юксак натижага ўз-ўзидан эришилмайди. Биз тилга олаётган корхона жамоаси темир йўлларни капитал таъмирлашни амалга оширади. Бу ерда 3 та бўлим ва 11 цех мавжуд.

Меҳнат жамоаси корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасида тузилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича битимига кўра, бултур иш шароитларини яхшилаш мақсадида қўшимча 18 млн. 500 минг сўм маблағ ажратилди. «Ўзбекистон темирйўллари» давлат акциядорлик темирйўл компанияси корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жадвал асосида мунтазам равишда ишчилар, муҳандис-техник ходимлар ва раҳбарлар учун ўқувлар ташкил этилаётгани ҳам айни муддао бўлаётир.

Касаба уюшма қўмитасининг 3 аъзодан иборат меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси мавжуд, бунга қўшимча равишда 24 нафар сайланган вакиллар жамоатчилик асосида меҳнат муҳофазаси бўйича иш олиб боради. Вакилларнинг ҳар ой ва чоракда бажарган ишлари тўғрисида ҳисобот бериши йўлга қўйилган. Бу борада машинист Мустафоқул Рамазонов, йўл таъмирловчилар Илҳом Сафаров, Ғафур Камолов кабиларнинг саъй-ҳаракати кўпчиликка ибрат бўлаяпти.

2012 йилда меҳнат муҳофазаси ва меҳнат шароитларини яхшилаш учун 229 млн. 932 минг сўм маблағ сарфланган эди. 2013 йил учун 280 млн. сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Бу асосан махсус кийим-бош, махсус оёқ кийими ва шахсий ҳимоя воситалари, иссиқ овқат, сут маҳсулотлари билан таъминлаш, ходимларни ҳар томонлама моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ.

Станция бошлиғи Тоҳир Равшанов ва бош муҳандис Баҳодир Рауповлар меҳнат аҳлига ғамхўрлик кўрсатишда ҳамиша бош-қош. Санитария-маиший мажмуадаги шарт-шароитлар давр талабига мос. Ишлаб чиқариш ҳудудидаги тозалик, озодалик, кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишлари кўзни қувонтиради. Замонавий лимонарий маҳсулотларидан ишчи-хизматчилар ҳам баҳраманд бўлаётир. Дарвоқе, ходимлар бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларидан 7 млн. 157 минг сўмга мажбурий суғурта қилингани ҳам жамоа аҳлига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир белгисидир.

Кейинги йилларда Учқудуқ — Мискен, Тошгузор — Бойсун — Қумқўрғон, шунингдек, қўшни Афғонистон давлатида Ҳайратон — Мозори Шариф йўналишларида темир йўллар қурилишида фаол қатнашган жамоа аъзолари ҳозирда ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрликка жавобан мамлакатимизда бунёд этилаётган янги «пўлат из» йўналишларида фидойилик билан меҳнат қилишмоқда.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## ■ Давр талаби

***Қумқўрғондаги Абдувоҳид Жўраев номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Шавкат Холназаров янгилик яратишга интилиб яшайди. Гарчанд, у ҳаётнинг бешафқат синовларига дуч келиб, ногирон бўлиб қолган эса-да, нолиш нималигини билмайди. Доимо эзгу ишларнинг бошида туради.***

# Одам бўлиб келдик...

Ш. Холназаров тўрт йилдирки, «Жалоир ором файз» хусусий корхонасини ташкил этиб, маиший хизмат нуқталари, электрон манзил, савдо расталари очиб, элга хизмат қилиб келмоқда. Тиниб-тинчимас тадбиркор Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллик тўйига ажойиб туҳфа ҳозирлади. У маъданли шифобахш яхна ичимликлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, қишлоқдошлари учун 10 та янги иш ўрни яратди. Дастлабки маҳсулотлар энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида маҳаллалар, мактаблар, мактабгача таълим муассасаларига улашилди.

— Яхна ичимликлар ишлаб чиқариш истаги менга анчадан бери тинчлик бермасди. Ниятимни амалга ошириш учун ўзим яшайдиган маҳалладан иморат қурдим. Сўнг, ЎзЭКСПО маркази билан боғланиб, улар тавсия этган энг яхши таклифларни мутахассислар кўмагида ўрганиб чиқдим. Бизга Хитой давлати технологияси маъқул бўлди. ТИФ Миллий банки Қумқўрғон филиалидан 90 миллион сўм кредит олдик ҳамда ўз сармоямизни қўшиб, «Қумқўрғон шаршараси» ёрлиғи билан беш хил турдаги яхна ичимлик ишлаб чиқара бошладик, — дейди Ш. Холназаров. — Тошкент Ботаника илмий текшириш институти мутахассислари биз қадоқлаётган сувнинг таркибини ўрганиб чиқиб, бу сув нафақат чанқовбосди ичимлик, балки табобатда буйрак касаллигига даво эканлигини айтишди. Институт лабораторияси хулосаси билан маҳсулотга маъданли шифобахш суви деб махсус сертификат берилди. Сўнгра, ҳамкорлигимизни кенгайтириш мақсадида «Нестли» компанияси билан шартнома туздик. Бугун маҳсулотимиз қўшни Жарқўрғон, Шўрчи, Қизириқ, Шеробод, Ангор туманларига ҳам етказиб берилаяпти.

Бу ерда ишчилар учун бепул иссиқ овқат, полиз ва боғдорчилик маҳсулотлари берилиши йўлга қўйилган бўлиб, 2014 йилда фаолият тури кенгайтирилиб, яна 25 та янги иш ўрни яратилади.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# «Саломатлик» лойиҳалари доирасида



**Фарғона вилоятининг Қўштепа туманида 16 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатади. Қишлоқ врачлик пунктларининг «Саломатлик» лойиҳалари доирасида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани турли касалликларнинг камайиши, тиббий маданиятнинг юксалишига хизмат қилмоқда.**

— Обод турмуш йилида туман тиббиёт бирлашмаси бутунлай қайта реконструкция қилиниб, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди, — дейди Қўштепа тумани тиббиёт бирлашмаси раҳбари Акмалжон Шерматов. — Кўп тармоқли марказий поликлиника ва 40 ўринли юқумли касалликлар бўлими янгидан бунёд этилди.

**Суратда:** *туман тиббиёт бирлашмасига қарашли туғруқ мажмуаси ҳамшираси Дилдора Йўлдошева.*

**Муқимжон ҚОДИРОВ**
**(ЎзА) олган сурат**

## ■ Қиз ҳусни илму ҳунарда

# «Ҳабиба-зиё» — гўзаллик маскани

***«Ҳабиба-зиё» ўқув-марказидан чиқиб келаётган қизларнинг қўлидаги мева-сабзавотлардан тайёрланган «Капалак», «Атиргул», «Оққуш»лар кўзни қувонтиради. Мазкур ўқув маркази Навоий шаҳридаги «Лочин» маҳалласида 2010 йилда тадбиркор Маҳмуд Аҳмедов томонидан ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда уни унинг қизи Ҳабиба Аҳмедова бошқаряпти.***

Айни пайтда қизларга компютер ва интернет, тикиш-бичиш, юқори дизайнли парда тикиш, уй ҳамшираси, соч турмаклаш, қандолатчилик, косметология, карвинг ҳамда сунъий гул ва безакли қутилар ясаш каби турли касб-ҳунарлар бўйича моҳир усталар Дилбар Холиқулова, Садоқат Зарипова ва Эльвина Абулова сабоқ беришмоқда.

Ўқув марказида тайёрланиб, намуна учун кўргазмага қўйилган турли буюмлар, тикилган, тўқилган либослар ҳар бир инсонда ҳавас уйғотиши табиий. Уларда шарқона гўзаллик намоён.

— Қобилиятли қизлардан 3 нафарини танлаб, пойтахтимиздаги «Иффатли келин» ўқув марказида ўз ҳисобимиздан 3 ой малака оширишини таъминладик, — дейди Ҳабиба Аҳмедова. — Бугун уларнинг ҳар бири 3-4 йўналишда касб-ҳунарларни мукаммал эгаллаб, шогирдларига ўргатишмоқда.

— Айрим сабабларга кўра турмуш ўртоғим ишсиз қолди, — дейди ўзини Дилноза деб таништирган аёл. — 2 нафар фарзандим, қайнона ва қайнотам билан яшаймиз. Маҳаллага ёрдам сўраб боргандим, ушбу ўқув марказига йўллашди. Ҳабиба опа торт ва бошқа турли хил пишириқлар пиширишни ўргатди. Бугунги кунда ҳунарим орқали оиламиз даромадига ҳиссамни қўшяпман.

Ўқув марказида асосан Навоий давлат педагогика ва кончилик институтида таҳсил оладиган талаба-қизлар, уй бекалари малака ҳосил қилишмоқда.

Сир эмаски, оилага янги кириб келган келинчакнинг пазандалиги алоҳида синовдан ўтади. Бу ерда куймаланаётган қизларнинг ўрганган сабоқлари эртага уларнинг кўнглини ҳам, юзини ҳам ёруғ қилиши тайин.

**Дилбар РАЗЗОҚОВА**

# Эзгулик боғи

## ёхуд касаба уюшмасидан саодат топганлар

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Козимжон ака ўтказган фойдали тадбирлардан мен илк бор иштирок этганим, тумандаги катта стадионда ташкиллаштирилган спартакиада бўлган эди. Адашмасам, стол теннисидаги мусобақаларда ҳакам бироз чалғидими, ҳисоб натижалар доскасига нотўғри ёзиб қўйилибди. Ғолибга ҳам, мағлубга ҳам алоқаси бўлмаган бошқа жамоа хатоликка аниқлик киритилишини талаб қила бошлади. Ҳакам: «Сизларга нима иссиқ-совуғи бор?» дегандек эътироз билдирганида, «Бизга ҳақиқатгўйликни домланинг ўзлари ўргатганлар, уларнинг тадбирларида кичкина бўлса ҳам ноҳақлик бўлмаслиги керак», дея ҳозиржавоблик қилишди. Козимжон акага: «Аъзоларингиз анча дадил-ку», дея бўлган воқеани айтиб берсак, «Улар ўзимнинг шогирдларим, нафақат айтганларимдан, қилаётганларимдан ҳам ўрнак олишади-да», дедилар кулиб.

Дарҳақиқат, ҳуқуқини, айни пайтда мажбуриятларини ҳам яхши билган тармоқ касаба уюшма аъзоларининг фаолиятида ноқонуний ҳолатлар камдан-кам учрайди. У ҳам тезда барҳам топади.

— Яхшилик қилишни хоҳламайдиган киши бўлмаса керак, шукрки, ҳаёт бизга бу савобли амални кўпроқ қилиш имкониятини берди, — дейди Козимжон ака касаба уюшмаси тизимидаги ишларига ишора қилиб. — Одамларнинг қалбидан ўрин олиш учун, аввало, эзгу ишлар қилмоқ лозим. Ҳаётда шу ақидага амал қилиб яшаяпмиз.

### Тиллодан аъло

Козимжон ака ота юрти Тўрақўрғон бўлса-да, Учқўрғонда улғайди. Ота томондан юртдошларига бўлган меҳрми ёхуд сабоқдош қизнинг гўзал чеҳрасига монанд қалбими, хуллас, Ёқутхонга бўлган муҳаббати чуқурроқ илдиз ота борди.

Оила барпо этишлари ҳақида гапира туриб, опа турмуш ўртоғини «тиллога ҳам топилмас одам» дея таърифлайди. Бу таърифнинг ҳикояси эса ундан-да теран:

— Болалигимда кўпроқ жисмоний меҳнат қилсам, нафасим бўғзимга тиқилиб, тез чарчаб қолардим. Шунинг учун уйдагилар мени эҳтиётлашар, раъйимга қарашарди, — дея эслайди опа. — Жисмоний тарбия дарсида машғулотларга қатнашмаётганимни кўргач, устозим сабабини сўради. Жавобимни эшитгач, «Соппа-соғ бўла туриб, шу гапларни айтгани уялмайсанми?» дея дакки берди. Ер ёрилса-ю, кириб кетгудек ҳолга келдим. Шундан кейин машғулотларга тўлиқ қатнайдиган, ҳатто мактабимизнинг волейбол жамоасида ўйнайдиган бўлдим. Институтда ҳам «спортчи»ликни давом эттирдим. Тиббий кўриклар вақтида юрагимнинг хаста эканлигини кўп таъкидлашарди-ю, касалликка бўйин эгмасдим. Бу хасталик билан фарзанд кўра олмаслик эҳтимолини билгач,



ўзимча, турмушга чиқмасликка аҳд қилдим. Битирув кунлари арафасида Козимжон ака қўлимни сўради. Беш йиллик дўстлигимиз, ўзаро ҳурмат... Уларга касаллигим ҳақида айтишга мажбур бўлдим: «Ишонмаслигингиз мумкин, аммо юрагим хаста... Сиз эса ҳар жиҳатдан мукаммал қизга, бахтли оилага муносиб кишисиз. Шу ҳақда ўйлаб кўринг...» Бу суҳбатдан сўнг у киши уч-тўрт кун кўринмай кетди. Қайтганларида эса айтганлари фақат шу бўлди: «Агар ҳаёт шундай вазиятга яна қайта дучор қилса ҳам, сизни танлаган бўлардим...»

Садоқат аҳди-ла боғланган бу кўнгилларни ҳаёт кўп бора синади: Алпомишдек уч ўғилнинг дунёга келишида врачларнинг тақиқига қарамай опа ўлим билан юзма-юз келаверди. Юраги хаста ҳолда туғруқ жараёнини бошдан ўтказиш ўлим билан ўйнашиш эканлигини қайта-қайта таъкидлашса ҳам, Ёқутой на яқинларининг, на мутахассисларнинг фикрини инобатга оларди. Қайсарлик билан: «Узоқ умр кўра олмасдирман, аммо ўзимдан кейин из қолдира олишим мумкин. Фарзандларим келажакда яхши ишлар қилиб, бекорга ҳаракат қилмаганимни исботлашади», дея такрорларди. Аммо Козимжон ака аёлининг яшаб қолиши учун тинимсиз курашди, Яратганга тинимсиз илтижолар қилди.

Бугун қиздан аъло уч келинга қайнона-қайноталик меҳрини улашаётган бу икки инсон бир этак ўғил-қиз неваралар қуршовида. Уч ўғил ота-онасининггина эмас, элу халқнинг оғирини ҳам енгил қилиш масъулиятини елкасига олган. Энг муҳими, фаровон бу оила тотувлиги чин маънода ҳавас қилгулик.

### Ривоятга қайтиб...

Дарвоқе, сўзимиз аввалидаги ривоятга қайтсак. Уни бежиз эсга олмагандик. Ҳар икки қаҳрамонимиз ҳам баайни ривоятдаги донишманд. Касаба уюшмалари ислоҳотлар билан ривожланиш босқичига киргач, кўплаб ташаббусларни олға сура бошлади. Бу ташаббусларни оммага етказиш баробарида, ўзлари ибрат бўлишни одат қилишган. «Мустақилликнинг 20 йиллигига 20 туп дарахт — менинг туҳфам» ташаббуси ўртага ташланиши билан боғ барпо этишга киришишди. 5 гектар ерга 300 туп терак, 400 туп бодом ва 300 туп анор кўчати экилди. Натижада, бир киши иш билан таъминланди. Кейинроқ касаба уюшма маблағи ҳисобига ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этишди. Козимжон ака эса айни кунларда қуёнчиликни ривожлантириш ҳаракатини бошлаб юборган. Опа турмуш ўртоғининг ҳар ишида кўмакчиликни бўйнига олган. Умрбоқий саодатга эришиш учун елкадошликдан кўра дилдош бўлиш муҳимроқдир. Қўшчинор янглиғ яхшилик манзиллари сари юксалаётган бу инсонлар ҳаёт қатидаги ана шу сирни англашгандек. Шунинг учунми, улар барпо этган эзгулик боғи ҳамиша сокин, нурли ва жилвакордир.

**Дилдора РАҲМОНОВА,**
**«Ishonch» мухбири**


Қиш завқи
Жамшид НОРКОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат

## Китоб — билим манбаи



*— Ўткир Ҳошимовнинг китоби керак эди, — дея Нигора дугонасига юзланди. — Қаердан топсам экан-а.*
*— Албатта, Манғитдаги китоб дўконидан. Агар у ерда топилмаса, дўкон ходимларига буюртма берсанг, бир ҳафта ичида келтириб беришади. Яна пластик карточка орқали ҳам олиш мумкин.*

# Маърифат гулшани

— Ростданми, бўлмаса, юр, кетдик.

Амударё тумани марказида жойлашган «Ўзбеккитобсавдотаъминоти»га қарашли китоб дўкони доимо гавжум. Бу ерда истаган китобни топиш мумкин. Бадиий, сиёсий, диний, илмий адабиётлар алоҳида жамланган. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида канцелярия моллари, газета-журналлар савдоси бўлимлари ҳам ташкил қилинган. Маҳаллий ижодкорлар асарларига алоҳида ўрин ажратилган. Хитой қишлоғида китоб дўкони филиали фаолият кўрсатади.

Ўн беш йилдан буён ушбу зиё масканига раҳбарлик қилиб келаётган Озод Давлетов шоирнинг «Жаҳонда китобдан яхши ёр бўлмас» сатрларини ўз шиорига, ҳаёт мазмунига айлантирган.

— Дунё тараққий этиб, ҳаётимизга янги технологиялар жадал кириб келмоқда. Бироқ уларнинг ҳеч бири китобнинг ўрнини боса олмайди. Китоб кишига нафақат маънавий озуқа беради, балки руҳан қувватлантиради, ҳаёт ташвишларини енгишига кўмаклашади, — дейди Озод ака.

У кишининг беш фарзанди олий маълумотли, касб-корли бўлиб, эл-юртга нафи тегаётир. Турмуш ўртоғи Гулчеҳра опа билан ўттиз саккиз йиллик турмуши давомида китобга ошнолик улар учун умр мазмунига айланган.

— Дўконимизга ёшлар кириб келишса, айниқса, хурсанд бўламиз, — дейди Озод ака. — Уларни ёт ғоялардан, «оммавий маданият» таъсиридан сақлаб қолишда китоблар муҳим аҳамият касб этади. Ахир, китоб ўқиган киши ўзлигини англайди, ҳаётда, жамиятда ўз ўрнини топади.

Маърифат тарқатувчи Озод Давлетов китобхонларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда Қипчоқ қишлоғида ҳам дўкон филиалини очиш ниятида.

**Маҳфуза ТЎРАБОЕВА,**
**Нукус давлат педагогика институти талабаси**

## Биласизми?

***Археологлар томонидан топилган энг қадимги бола ўйинчоғининг санаси — 3 000 йил. У Эронда топилган бўлиб, ҳозирги кунда Луврда сақланади.***

***

*Австралиянинг 50 центлик тангаси авваллари икки доллар қийматдаги кумуш бўлган.*

***

***Плутоннинг бир «йили» Ернинг — 247,7 йилига тенгдир.***

***

*Жинси шим 1850 йили Леви Штраус томонидан яратилган. Америка шахтёрларининг иш кийими ҳисобланган.*

***

***Жирафалар ҳафталар давомида ухламаслиги мумкин.***

***

*Инсон ўртача 5000-6000 та сўз бойлигига эга.*

***

***Ҳар куни дунё бўйича аҳоли сони 237748 кишига кўпаяди. Ҳар секундда эса 4 нафар чақалоқ туғилади.***

***

*Делфинлар мизғиганда уларнинг ярим мияси уйғоқ бўлади.*

***

***Кўршапалаклар оёқларини осмонга қаратиб ухлашади. Чунки улар ташқи хавфни сезган заҳоти учиб кетишади. Маълумки, кўршапалаклар қушларга ўхшаб ердан уча олмайдилар.***

***

*Агарда сиз Исландияга ташриф буюрмоқчи бўлсангиз, билиб қўйинг, у ерда чойчақа берилмайди. Сиз бу билан уларни ҳақоратлаган ҳисобланасиз.*

***

***Африканинг Гвинея бабуинлари душманларидан беркиниш учун дарахтнинг учида чўккалаб ухлайди.***

***

*Отлар ва сигирлар туриб ухлай олади. Лекин ётмагунча туш кўра олмайди.*

***

***XX асрнинг охиригача деярли барча Швеция фуқаролари фамилиясиз бўлишган. 1901 йилдагина «исми шарифи» мажбурийлиги қонуний кучга кирган.***

***

*Дунё бўйича энг кўп эгизаклар Нигерияда туғилади. Ҳар 11 нафар чақалоққа битта эгизак тўғри келар экан. Энг кам эгизаклар Японияда таваллуд топади.*

**Интернет хабарлари асосида Жамшид ЭРГАШЕВ тайёрлади.**

## Чемпион билан суҳбат



***Асилбек Хидиров 1987 йилда Қашқадарё вилоятининг Нишон тумани «Наврўз» қишлоғида спортчилар оиласида таваллуд топган. Отаси Отабек Хидиров «Шўртангазкимё» мажмуасида муҳандис бўлиб ишлайди. У катта спортда фаолият олиб бормаган бўлсада, бокс ва эркин кураш бўйича вилоят чемпионлиги даражасигача етган.***

# Ватан шаънини улуғлаш — юксак шараф

Асилбек ёшлигидан кураш билан шуғулланиб, тўйкурашларда беллашиб юрди. Ундаги қизиқишни кўрган отаси ўзига бўлган ишонч, қатъият ва иродани ўстириб, уни Яккабоғ туманидаги спортга ихтисослашган мактаб-интернатга ўқишга берди.

— Мактаб мени спортчи этиб шакллантирди, — дейди илк сабоқларини ёдга олар экан А.Хидиров. — Мактабни аъло баҳоларга тугатиб, 2006 йили ҳужжатларимни Тошкент давлат техника университетининг энергетика факултетига топширдим. Қарангки, омадим чопиб, давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиндим. Айни пайтда мазкур университетнинг магистратурасида биринчи босқич талабасиман. Келажакда спортни тарк этмаган ҳолда «Қуёш энергетикаси» йўналишида илмий иш олиб боришни олдимга мақсад қилиб қўйганман. Айни пайтда изланишни бошлаб юборганман.

Бир йигитга қирқ ҳунар оз, деган мақолни А.Хидировга нисбатан қўлласа бўлади. У ўқиш билан бирга, спортдаги интилишларидан ҳам чекингани йўқ. Аксинча, пойтахтдаги кенг имконият ва шароитлардан унумли фойдаланяпти. Бир неча йилдирки, спортнинг реал айкидо тури билан мунтазам шуғулланиб келади. У 2008 йили мазкур спорт тури бўйича илк маротаба Ўзбекистон чемпионатида учинчи ўринни қўлга киритиб, дастлабки бронза медалга сазовор бўлди. Бу муваффақият уни ўзи устида тинимсиз ишлаш, куч ва маҳоратини янада чархлашга ундади. Орадан бир йил ўтиб, яъни 2009 йилнинг апрелида мамлакат чемпионатида шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди. Шу йилнинг декабр ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон кубоги баҳсларида эса олтин медал эгасига айланди. 2010 йилнинг мартида Португалиянинг Торре Новес шаҳрида Шарқ яккакурашлари бўйича ташкил этилган жаҳон чемпионатида кумуш медални қўлга киритиш билан халқаро ареналардаги илк муваффақиятини муҳрлади. 2011 йил унга қўшалоқ ютуқни туҳфа этди. Мамлакат чемпионатида шоҳсупанинг биринчи поғонасига кўтарилиш насиб этган бўлса, Германияда уюштирилган Шарқ яккакурашлари бўйича жаҳон чемпионатида жаҳон чемпиони деган номга сазовор бўлди. 2012 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон чемпионати ва декабрда Фарғонада ташкил этилган Халқаро комбат айкидо спорти бўйича II халқаро турнир ғолиби бўлди.

Заҳматли меҳнатлар бесамар кетмади. Ўтган йилнинг апрел ойида пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш марказида Халқаро комбат айкидонинг III Халқаро турнири ҳамда 29 октябр — 3 ноябр кунлари Италиянинг Каррара шаҳри мезбонлик қилган Шарқ яккакурашларининг навбатдаги жаҳон чемпионатида шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Бу йил Асилбек нуфузли турнирларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга астойдил бел боғлаган. Март ойида Португалияда жаҳон чемпионати, майда Англияда халқаро турнир ва июнда жаҳон кубоги баҳсларида юртимиз номидан майдонга чиқади. Айни пайтда у ана шу нуфузли мусобақаларга жиддий тайёргарлик кўраяпти.

А.Хидиров 2009 йилдан реал айкидо, 2011 йилдан Халқаро комбат айкидо спорти бўйича терма жамоа аъзоси. Ҳозирги кунда Халқаро комбат айкидо ассоциацияси раҳбари Фахриддин Усмонов устозлигида шуғулланиб келади.

Дарвоқе, ҳозирда у бир қанча ёшларга устозлик ҳам қилиб келмоқда. Шогирдларининг аксарияти мамлакат ва турли халқаро мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорлари ҳисобланади.

**Нарзулла МАҲАМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Туҳфа

***Бухоро политехника касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Шуҳрат Абдуллаев 2014 йилнинг ташрифини бир умр эсдан чиқармайди. Чунки у Павел Онищенко, Меҳрангиз Бақоева, Сардор Аҳроров сингари 35 нафар тенгдоши қатори Янги йилни «Ситораи Моҳи Хоса санаторийси»да кутиб олди.***

# Эсдан чиқмайдиган бўлди

Таъкидлаш жоизки, Янги йил байрами муносабати билан вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги ўқув муассасаларида таҳсил олаётган, ота-она қаровисиз қолган ўқувчилар соғломлаштирилиб, совға ва кийим-кечаклар билан таъминланди. Бунда касаба уюшмалари ва ҳомий ташкилотларнинг хизмати катта бўлди.

Санаторийда ташкил этилган байрам тадбирида вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Муҳиддин Эсанов иштирок этиб, иштирокчиларни табриклади ва совға-саломлар топширди.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Тадбир

***Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Косон туман кенгаши томонидан анъанавий волейбол мусобақаси ўтказилди. Косон компютер технологиялари касб-ҳунар коллежида ташкил этилган мазкур тадбирда ўрта умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларининг эркаклар ва аёллар жамоалари ғолиблик учун курашди.***

# Барчада ўзгача иштиёқ

Якуний натижаларга кўра, эркаклар ўртасида 3-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. 66-мактаб педагогларига иккинчи, 75-мактаб жамоасига эса учинчи ўрин насиб этди. Аёллар жамоалари орасида эса 48-мактаб ҳаваскор волейболчилари биринчи, 3-БЎСМ иккинчи, 96-умумий ўрта таълим мактаби жамоаси учинчи ўриндан жой олди.

Ғолиб ва совриндор жамоалар ташкилотчилар таъсис этган диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Тез-тез турли спорт тадбирларида иштирок этамиз, — деди 66-ўрта мактаб эркаклар жамоаси вакили Фарҳод Ҳайитов. — Чунки мактабимиз раҳбарининг ўзи ашаддий спорт ишқибози.

— Бошланғич ташкилотларимиз бу галги мусобақага ўзгача ёндашишди, — деди тармоқ касаба уюшмаси Косон туман кенгаши раиси Баҳодир Мўминов. — Чунки устозлар ўз ортидан минглаб ўқувчиларни эргаштиради, соғлом авлодни тарбиялашда спортнинг беқиёс ўрнини дилдан ҳис этиб, ўзлари бу ишда намуна бўлишади.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Болалар спорт мажмуаси

Қизилтепа тумани марказида Болалар спорт мажмуаси ишга туширилди. Мажмуа бадиий гимнастика ва спорт заллари, олти минг ўринли яшил майдон ҳамда енгил атлетика йўлакларидан ташкил топган. Шу билан бирга, ювиниш ва дам олиш хоналари ёшлар хизматида. Машғулот ўтказиладиган ҳар бир хона замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланган.

Бинонинг очилиш маросими байрамга айланиб кетди. Тадбирда вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов сўзга чиқиб, қурилишни тез ва сифатли амалга оширишга ҳисса қўшган «Темур Малик» МЧЖ қурувчилари жонбозлигини алоҳида тилга олди.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ**

## Қатра

# Шам

Хона узра шам ёнади. Аста-оҳиста. Баландга интилиб, атрофга ёруғлик таратиб... У худди инсон умрига ўхшайди. Ёнган сари порлай боради...

Ўйланиб қоламан, Навоий «Хамса»сини, Увайсий «Анор» шеърини шу шам олдида ёзгандир...

Аслида, шамсиз уйнинг ўзи йўқ. У тунлари одамлар кўнгилларини ёритади. Эртасига умидлар уйғотади.

Ўғил кўрмаган киши ўзича пичирлайди: «Мендан сўнг шамчироғимни ким ёқар экан?»

Шамга узоқ-узоқ тикиламан. Унда бобом, момом руҳларини кўраман.

Шам борки шеър бор, шоир бор. Шуъла бор...

**Абдураҳим БОЗОРБОЕВ**

«ШЎРТАНГАЗКИМЁ» МАЖМУАСИ УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ



Азиз ватандошларимизни Янги — 2014 йил билан қутлайди! Соғлом бола йили ҳар биримизнинг хонадонимизга қут-барака, омадлар олиб келсин. Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
A.Abdullayev
Navbatchi:
N.Mahamov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 20.20

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 118

21477 nusxada bosildi

1 2 3 4